VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

УДК 371.302.2

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ АСОСИДА МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Шаматова Оминахон Шукурдиновна

Андижон давлат педагогика институти

«Факультетлараро чет тиллар кафедраси» ўқитувчиси

Тел: +998911676273

shamatova6273@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада инновацион методларнинг таълим- тарбия ва ўқитиш жараёнидаги роли хақида фикр юритилади. Таълим жараёнида таълим олувчи яъни (Student Center Approuch) шахсга йўналтирилган таълим инноватив методлардан бири бўлиб, талабаларнинг фаоллигини таъминлайди, танқидий ва ижодий фикрлашларини шакллантиради. Ушбу мақолада унинг долзарблиги, талабалар психологиясидаги роли ва ўрни ҳақида мулоҳазалар юритилади. Замонавий дарс жараёни инновацион методлар асосида ташкиллаштирилиши кераклигини талаб қилаётган бир вақтда уларнинг шахсга йўналтирилганлиги муаммонинг ечимларидан бири сифатида қадрланмокда.

Калит сўзлар

Информацион технология, инновация, метод, услуб, ёндашув, шахсга йўналтирилганлик.

ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ НА ОСНОВЕ ЛИЧНОСТНОГО ОБРАЗОВАНИЯ С ПОМОЩЬЮ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Шаматова Оминахон Шукурдиновна

Андижанский государственный педагогический институт

«Межфакультетская кафедра иностранных языков»

Тел: + 998911676273

shamatova6273@gmail.com

Аннотация

В данной статье рассматривается роль инновационных методов в процессе образования и обучения. В процессе обучения подход (Student Center Approach) является одним из инновационных методов личностно-ориентированного образования, который обеспечивает активность студентов, формирует их критическое и творческое мышление. В данной статье рассматривается ее актуальность, роль и место в студенческой психологии. В то время, когда

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

современный учебный процесс требует организации на основе инновационных методов, их ориентация на личность оценивается как одно из решений проблемы.

Ключевые слова

Информационные технологии, инновации, метод, подход, индивидуальная направленность.

EFFECTIVE METHODS BASED ON PERSONAL EDUCATION USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES

Shamatova Ominakhon Shukurdinovna

Andijan State Pedagogical institute

"Interfaculty Department Foreign Languages"

Тел: + 998911676273

shamatova6273@gmail.com

Annotation

This article examines the role of innovative methods in the process of education and training. In the learning process, the (Student Center Approach) is one of the innovative methods of student-centered education, which ensures the activity of students and shapes their critical and creative thinking. This article discusses its relevance, role and place in student psychology. At a time when the modern educational process requires organization based on innovative methods, their focus on the individual is assessed as one of the solutions to the problem.

Key words

Information technologies, innovations, method, method, approach, individual orientation.

Олий таълим муассасаларининг асосий стратегик мақсади таълим тизимини тубдан ислох қилиш ва янги сифат босқичларига олиб чиқишдир. Кўп йиллик тажрибаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, таълим тўғрисидаги ислоҳотларни амалга оширишда айнан IT технологияларининг ўрни беқиёс бўлиб, унинг ёрдамида шахсга йўналтирилган машғулотлар асосида дарс жараёнини ташкиллаштириш унумдорлилиги билан характерланади. Таълимда бугунги кунда инфармацион технологиялар, инновацион технологиялар, педагогик технологиялар, ахборот технологиялар деган атамалар ва терминлар ишлатилмоқда. «Технология» атамаси иқтисодий атама бўлиб, таълимда натижага эришиш учун восита бўлиб хизмат қилади ёки у орқали бирон натижага эришишни тушунилади. Иннавация - (лотин. Innova) сўзидан олинган бўлиб, янгилик деган маънони билдиради ва таълимда педагогик жараёнда ўқитувчи ва талаба фаолиятида интерактив методлар орқали янгилик киритилишини англатади. Замонавий ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида IT технологиялари муваффақиятли тарзда қўлланилиб келинмоқда ва таълим тизими бундан мустасно эмас. IT атамаси биринчи марта 1958 йилда Harvard Business Review журналида чоп этилган мақолада пайдо бўлган бўлиб, муаллифлари J.Harold, Leavitt хамда L.Thomas Whisler лардир уни ўша вақтдаги аниқ номи йўқлиги сабабли қисқагина IT деб аташганлигини эътироф этишади.

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

Атама одатда компьютер ва компьютер тармоқларининг синоними сифатида ишлатилиб унинг таркибига телевизор ҳамда уяли телефон ускуналари ҳам киради.

Таълим соҳасида IT ва инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишнинг самарали усуллари устида методист олимларидан Н.В.Барышников, Н.Д.Гальскова, Е.Н.Соловова, А.И. Наумов, Т.М.Балыхина, Ю.Н.Марчуклар махсулдор тадқиқотлар олиб бориб, компьютер воситасида тил ўқитишнинг ўзига хос тамойилларини таклиф қилишган. Хорижий тилшунос олимларидан эса B. McCarthy, R. Kussler, M.Levis, M.Swan лар ва яна бир қанча соҳа вакиллари IT ёрдамида тил ўқитишнинг ўзига хос услубларини, талаб ва таклифларини кўриб чиқишган. Юртимизда ҳам ўқув таълим жараёнини компьютерлаштириш ва у асосида тил ўқитиш масалаларини такомиллаштириш бўйича М.У.Ашурова, О.В.Абдувалиева, Д.У.Хошимовалар самарали изланишлар олиб боришган. IT технологиялари ва улар воситасида тил ўқитишнинг методологик аспектлари тўғрисида концептуал қарашлар мавжуд бўлиб, айнан Е.И. Пассовнинг таълимотига кўра таълимнинг асосий мақсади талабаларни шахс сифатида маънавий кучи ва қобилиятини ривожлантириш, аҳлоқий жиҳатдан масъулиятли, ижтимоий жиҳатдан намунали қилиб тарбиялашдир деб эътироф этади. [1.117] Талабаларни етук шахс сифатида тарбиялашда инновацион технологияларни тўғри ўринда қўллашимиз аҳамиятга моликдир.

О.П. Минеевaнинг таъкидига кўра IT - Ахборот технологиялари тушунчаси сифатида ўқитиш методлари, усуллари ва воситалар йиғиндисилигини эътироф этиб, булар орқали маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш орқали машғулот жараёнида фойдаланишни тушунишимиз зарурлигини уқтиради. [2. 83].

А.Ю.Акмаловнинг илмий тадқиқотларига кўра IT технологияларини ўқув жараёнида қўллаш талабаларнинг ўзора алоқасига таъсир қилишини ва тил материалларининг кўплиги, ранг баранглиги уларда индивидуал таълим жараёнини юзага келишига имкон беришини таъкидлайди. Бундан ташқари IT воситасида ишлаш талабаларга маълумотларни қабул қилишда бир қатор имкониятларни тақдим этишини таъкидлаб, буларни қуйидагилар деб кўрсатади:

- маълумотлардан исталган вақт фойдаланиш имконияти чексизлилиги;
- ахборотларни тўсиқсизлиги;
- аниқ манзиллилиги;
- маълумотларни кўплиги ва ранг баранглиги; [3.21-23]

В.Н.Землянская IT ни иккита ахборот блогини ўз ичига олувчи қурилма эканлигини таъкидлаб, ахборотни хосил қилувчи ва сақловчи, қабул қилиб такрорловчи дейди. Буни дарс жараёнида қўллаш когнитив маълумотларни кенгайишига, тўлишига, фаоллашишига хизмат қилувчи ва бундан ташқари «жонли» ахборот воситаси бўлиб хизмат қилувчи воситадир дейди. [4.78-79] Бундан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, замонавий ўқитувчи талабаларнинг билим даражасини кенгайтиришда, ўқув машғулотарини ташкил қилишида IT технологияларидан унумли фойдалана олиши мақсадга мувоффиқдир ва бу ўқитувчининг касбий компетентлилигининг бир қисми хисобланади.

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

АТКИ йўналиши турли билим даражасидаги талабаларини иннавацион технологиялар орқали тил ўргатиш маълум даражада талабаларни инглиз тилидаги касбий - соҳавий лексикасини ривожлантиришда, уларнинг чет тилидаги ўқиш, ёзиш, гапириш ва тинглаб тушуниш тил кўникмаларини ўстиришда ўз хиссасини қўшишга хизмат қиладиган омил хисобланади. Ахборот техологиялари (IT) – бу барча турдаги электрон маълумотлар шакли бўлиб, бунда компьютерлар ёрдамида маълумотларни яратиш, қайта ишлаш, сақлаш, олиш ва алмаштириш назарда тутилади. IT асосан иқтисодий атама бўлиб, бизнес операцияларини амалга оширишда қўлланилади. Лекин ҳозирги кунда IT замонавий таълим технологиялари сифатида ўқитиш жараёнида муваффақиятли тарзда тил ўқитувчилари тамонидан фойдаланиб келинмоқда ва бу ўзининг самарадорлиги билан анъанавий дарс ўтишдан фарқланади. Information - ахборот ёки маълумот маъносига эга бўлган кенг маънодаги сўз бўлиб, таълимда маълумотнинг ахборотлилиги яъни тўғрилиги тушунилади. «Интерактив методлар» бу замонавий усуллар мажмуаси бўлиб, иннавацион технологияларидан фойдаланилган ҳолда дарс жараёнини ташкиллаштиришни назарда тутилади. Шу кунгача анъанавий таълимда ўқитувчи талабаларни фақатгина тайёр билимларни ўзлаштиришини ташкиллаштирган бўлса, таълимда замонавий технологияларни интеграция қилиниши талабаларни эгаллаётган билим ва эҳтиёжларини шу технологиялар ёрдамида мустаққил равишда тўлдиришга, мавзуга оид маълумотларни қидиришни ўрганишга ва эгаллаган билим ва кўникмаларини таҳлил қилишга чақирмоқда. Таҳлил қилиш натижасида талабаларда хулоса қилиш кўникмаси, кейинчалик уларда ихтиро қилиш қобилиятларини ривожлантиришни кўзда тутади. Ўқитувчининг бошқарувчилик ва йўналтирувчилик маҳоратлари остида инфармацион ва инновацион технологияларни дарс жараёнида ҳамохангликда қўлланиши, талабаларни шахс сифатида ривожланишига, шаклланишига, билим олишига ва тарбияланишига катта таъсир ўтказади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Е.И. Пассов «Сорок лет спустя, или Сто и одна методическая идея». – Москва, 2006. – 117с.

2.B. McCarthy. Second Wave ERP Education [Text] / B/McCarthy, P/ Hawking, A.Stein // Information Systems Education, 2004, Vol 15, № 3. – PP. 327- 332.

3.M. Levy. Computer – Assisted Language Learning: Context and Conceptualization. New York: Oxford. 1997.

4. О.П. Минеева Использование информационно – коммуникационных технологий в высшем профессиональном образовании. // Современные наукоемкие технологии. 2010. № 2.с. 61-62;

5. А.Ю. Акмалов Современные образовательные технологии в контексте инклюзивного образования. [Текст] // Инклюзивное профессионального образование: материалы Всерос.науч.-практ.конф. 21-22 нояб. 2014 г. Челябинс: Изд-во Челяб. гос. ун-та. 2015. С. 21-23.

6. В.Н. Землянская. Информационно – коммуникационные технологии в учебном процессе высшей школы. Информационно – коммуникационные технологии в подготовке современного выпускника: опыт и перспективы: науч. издание. Сборник научных статей. – Челябинск: Печатный двор, 2017 - 218с.